

Классик макомлар орасида кўпчилик ичига энг кўп ёйилгани, шубхасиз, «Ирок» куйидир. Уни Бухоронинг шашмакомчи хофизлари кўп айтар эдилар. Тўйчи акав а унинг жўралари хам уни бошкacha килиб ишлаб, омма орасига ёйдилар. У сахнамизда энг аввал «Халима» воситаси билан жаранглади. «Халима»нинг биринчи — дастлабки вариатида «Ирок» куйи йўк эди, кейинча пиесани бир кадар ншлашга тўгри келган вақтда Халима (киз) нинг арияси бўлиб сахнага чикди. «Халима» пиесасида уни мархум Турсуной, сўнгра Халима Носир кизи, Назираойлар; айрим нўмер ўларок Абдулхак Султонов, Рахимберди Бобожонов, Боборахим, Карим Зокирий, Кўлдошев ва бошкалар айтдилар. Кўпчилик ёктирди ва у, том маъноси билан гражданлик козонди.

«Ирок»ни айрим нўмер холида ўкувчи хофизларимиз у куйга Увайсийнинг:

«Забонингни кетургил, эй шакарлаб тўти гуфтора,  
Нечикким мархамат бўлсин неча мандек дилафгора»[1].

деб бошланатургон машхур газалини ўкуб келадилар.

Ана ўша газални ёзган Увайсий Умархон даврида яшаган аёл шоирлардан бўлиб, номи Жахон отин эди. У, «эваз» бахрли бир газалининг охирида ўз тахаллуси, (шоирлик номи) ва исмини мана бундай килиб билдиради:  
Йўкотиб ўзни фано мартабасига ета кўр,  
Вайсий номим менинг ул номи Жахонимга эваз»[2].

Жахонойи асли ўзи Маргилонлик бўлган. Умархон ўрдасида хоннинг ўзи бошлик бир неча шоир бўлганини (Фазлий, Адо, Хозик, Гулханий ва бошкалар), уларнинг тез-тез тўпланиб мушовара килишганларини эшитгандан кейин, ўша шоирлар мажлисига кирмак хавасига тушади. Бунинг учун Кўконга бормокчи бўлиб отасидан ижозат сўраганида отаси унинг талабини кайтармаса-да, кизнинг саройдаги шоирлар мажлисига киришига ёрдам кўрсатар деган умид билан Кўкондаги обрўли одамлардан бир дўстининг ховлисига юборади. У одам, кизнинг шоира бўлса хам хали ёш эканини кўриб, иккиланади:

— Бу холингизда бориб киролмассиз. Биронта кари хотин киёфасида бориб кўрсангиз,  
— деди.

Жахонойи кари кампир кийимларини кийиб, эски паранжи ёпиниб ўрдага боради. Уни киритмайдилар. Сўнгра, у, юкорида кўрсатганимиз «Забонингни» дея бошланган газалидан мана бу икки йўлни ёзиб шоирлар мажлисига киритади:  
«Мени «Латакхули» деб махрум этма богбон ахли,  
Азал дегони багрим конини тўккан бу гулзора».

Шундан сўнг уни шоирлар мажлисига киритадилар, Факат у ерда унинг кари кампир эмас, ёш бир жувон экани билингандан кейин, бирор «фитна» чикмаеин деб бўлса керак, уни дархол сарой ичкарилигига киритиб юборадилар. Шу бўйича Жахонойи Умархон

саройида колиб кетади ва сўнгроқ «Жахон отин» деб шухрат чиқаради.

Саройда яшаган даврида Маргилоннинг Каландархона деган жойига яхши сиркорлик бир уй солдирган экан. Ўша уй хали ҳам сакланган дейдилар.

Унинг «Карбаланома»си, «Девон»и ва ҳам Мухамадали хонга (Умархоннинг ўгли, шоир) бағишланган «Хитой сафари» номли асарлари бор.

Жахон отинга бир кун, дастурхон устида анорни кўрсатиб, шу тўғрида бир нарса демакни илтимос қилганлар. Жахон отин ўша минутнинг ўзида анор тўғрисида тўрт йўллик бир шеър ёзган. Бадехаўлик (экопромт) йўли билан ёзилган бу тўрт йўллик байт анорни қандай гўзал ва санъаткорона тасвир қилади:

«Бу на гумбаздир, эшиги туйнугидан йўқ нишон,  
Неча гулгунпўш[3] кизлар манзил айлабдир макон,  
Синдириб гумбазни кизлар холидан олсам хабар:  
Юзларига парда тортиглик, турурлар бағри кон».

«Юзларига парда тортилган «кизларнинг» бағрлари кон» бўлганини айтган, сарой чўриқизларининг охи зорини тасвирлаб берган.

[1] Эй шақар лабли тўти, тилингни сўзга келтиргилки, менга ўхшаган қанча кўкси яралиларга марҳамат бўлсин.

[2] Ўзликдан кечиб йўқлик даражасига эриш, менинг «Вайсий» деган номим, Жахон деган номимнинг ўрнидадир.

[3] Кизил қийган.

Увайсий — Мазкур мақола «Ёрқин турмуш» журналининг 1936 йил 4—5 кўшма сонидан эълон қилинган.

Тўйчи ака — Мулла Тўйчи Тошмухамедов (1868—1943), ҳофиз, ўзбек кўшиқчилик санъатининг йирик намояндаси, Ўзбекистон халқ ҳофизи.

«Халима» — драматург Г. Зафарийпинг (1889—1944) шу номли драмаси. Илк бор 1920 йилда сахналаштирилган бу асар 20—30-йилларда бир неча ўн марталаб ўйналган.

«Эваз» бахрли — Чўлпон бу ўринда янглишиб кетган, чамаси. Тўғриси «эваз радифли» деб ёзилиши керак.

Адо — XVIII асрда яшаган Умархон саройи шоирларидан. Ўзбекча ва форсча газал, мухаммаслари бизгача баёз ва мажмуаларда етиб келган.

Хозик — тахаллуси, хакикий исми шарифи Жунайдулло Исмоилшайх ўгли (18 аср охири — 1843) — шоир, асли хиротлик. 1799—1900 йилларда Бухорога келган. Хоразмда Мунис, Огахий адабий гуруҳида бўлган. Амир Насруллохон томонидан қатлга буюрилган.

Мухаммад Алихон (Маъдалихон) — Умархоннинг ўгли. 1810 йилда тугилган. 1822 йилдан Қўқон хони. Унинг хонлик даврида сугориш ишлари яхшиланган, хонлик ҳудуди кенгайтирилган. 1840 йилда Бухоро амири Насруллохон билан урушда енгилиб, унинг вассали бўлиб қолган. 1842 йилда амир Насрулло томонидан қатл этирилган.

Бадихаўйлик — ар., бадиха сўзидан. Бирор воқеа, ҳодиса муносабати билан тайёргарликсиз айтилган шеър, экспромт. Шарқ ҳукмдорлари саройларида ўтказилган мушоираларда бадиха йўли билан шеър айтиш бахслари расм бўлган.